кең қолланылған. Ақбасқурлардың декоратив безелиўи нағыслы элементлер көринисине ийе болып, тийкарынан еки вариантта орынланған. Олардың биреўинде нағыслы мотивлер қайталанбайтуғын бир ўақытта, екиншисинде олар жуп-жуптан жайластырылады. Ақбасқур, қурлардың арасындағы, нағыслары ишке қаратылып қара үйди орап туратуғын ҳәм қызыл басқурдан жоқарыда жайластырылатуғын, ең жақсы безелгени ҳәм енлиси. Ақбасқурдың ени 50 см, узынлығы 12-13м. Нағыслар ортадан баслап жайластырылады ҳәм еки шетине қарай қайталанады.

Қара үйдиң ишки тәрепинен жақсы көринип турады. Түкли гилем тоқыўшылық усылында, ақ пахталы гезлемеге ҳәр түрли реңдеги жүннен исленген сабақлар менен тоқылып орынланады.

Ақбасқурлардан айырмашылығы, жанбаў шетлери жипек сабақлардан исленген шашақлар ҳәм өрилген декоратив түйинлердиң бир ямаса бир неше қатары менен безелген бирқанша жиңишке жолақлар көринисине ийе. Жанбаў – ишки ҳәм сыртқы болып – еки түрге бөлинеди.

Жанбаў – қурастырылған қара үйдиң тийуарғы тулғасын (конструкциясын) беккем услап турыў ҳәм декоратив безеў ушын қолланылатуғын, түксиз гилеам техникасында орынланған нағыслы қур. Баў-шуў – қара үйдиң конструкциясын беккемлеп қурастырыўда қолланылатуғын қурлардың әпиўайы (қарапайым халық тилинде) аталыўы. Белдеў – қара үйдиң диаметри бойлап, керегениң сыртын қаплап турған шийлерди (қамыс шыптаны) услап туратуғын қур. Ени 30-40 см, әлбетте нағыслы болыўы шәрт. Белдеўдиң тийкары пахтадан таярланған, нағыслы түрли-түсли реңлердеги жүннен исленген сабақлардан орынланған. Белжип – қара үй қурастырып болынғаннан кейин оның «белинен буўып» туратуғын нағыслы қур. Белжиптиң узынлығы ақбасқур ҳәм белдеўдиң узынлығына ылайық болады, ени 30-40 см. Ақ пахтадан исленген тийкарға жүннен исленген ҳәр түрли реңдеги сабақлар менен, түкли гилем усылында нағыслар тоқылады. Еки ушы түксиз нағыслар менен питкериледи. Атына қарағанда бурынлары белжиптиң орнына әпиўайы жип пайдаланылған болыўы мүмкин.

Есик қас – қара үйдиң есигиниң декоратив безелиўи болып табылатуғын, қара үйдиң есигиниң үстиндеги жиңишке гилемше. Есиктиң жоқарысына, нағысы үйдиң ишине қаратып орнатылады. Есик қас мүйиз сыяқлы нағыслар менен қоршалған ромб түриндеги нағыслар менен безелген [4:52-53].

Қарақалпақ гилем тоқыўшылығы, халық өнериниң көплеген әсирлер даўамында қәлиплескен, ең қызықлы түрлериниң бири. Қарақалпақлардың әмелий безеў көркем өнери, бирин-бири толықтырып туратуғын көркемлик элементлердиң бирлескен жыйындысы (комплекси) көринисине ийе, ол улыўма «Инсан-Тәбият-Мәдeният» системасына жарасықлы үйлесип, тәбийғый орталық пенен тығыз байланыста. Жасайтуғын үйи, күнделикли турмыста пайдаланатуғын буйымлары, кийимлери, безениў буйымлары ҳәм т.б. қарақалпақлардың мәдений миллий өзгешелигиниң жарқын көриниси (сүўретлениўи) болып табылады.

**Әдебиятлар**

1. Уразимова Т.В. Конструктивные и декоративные особенности каракалпакской юрты. //Научный журнал. –Москва: 2016 № 7 (8). -С. 99-101.

**РЕЗЮМЕ.** Мақола қорақалпоқ халқининг ва хусусан гилам ва гилам маҳсулотларининг декоратив безаш санъатининг долзарб масалаларига бағишланган. Ушбу ишда гилам санъатининг ишлаш техникаси, фойдаланиши, композицион ва колористик хусусиятлари, гиламда ишлатиладиган нақшлар аниқланади.

**РЕЗЮМЕ.** Статья посвящена вопросам декоративно-прикладного искусства каракалпакского народа, и в частности коврам и ковровым изделиям. В работе раскрыта специфика техники изготовления, применения, композиционным и колористическим особенностям, орнаменту используемому в ковроделии.

**SUMMARY.** The article is devoted to the issues of decorative-applied art of the Karakalpak people, and in particular carpets and rugs. The work reveals the specificity of manufacturing techniques, applications, compositional and coloristic features, and ornaments used in carpet weaving.

## ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ ЎРНИ

**Н.Н.Утаева** – *таянч доктарант*

*Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти*

**Таянч сўзлар:** акмеология, акмеолигик ёндашув, қобилият, ижод, ижодий, технологик, фаолият, ижодий фаолият, касбий жиҳат, фундаментал билим, таълим сифати.

**Ключевые слова:** акмеология, акмеологический подход, способность, творчество, творческий, технологический, деятельность, творческая деятельность, профессиональный аспект, фундаментальные знания, качество образования.

**Key words:** acmeology, acmeological approach, ability, creativity, creative, technological, activity, creative activity, professional aspect, fundamental knowledge, quality of education.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган ислоҳотлар каторида, таълим-тарбия соҳасини такомиллаштириш, фанларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларида замонавий шарт-шароитлар яратиш, педагог кадрлар салоҳиятини кўтаришга қаратилган бир қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам кўп маротаба: "Одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур" деб бежиз таъкидламаганлар.

Шунингдек, жорий йилнинг 28 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 60-сонли Фармонида ҳам таълим сифатини ислох қилиш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича бир қатор мақсад ва вазифалар белгиланди [1].

Зеро, жадаллик билан ҳар соҳа ривожланаётган бугунги кунда технологик таълим ўқитувчиларини ҳам касбий жиҳатдан ривожланиши, касбий маҳоратини, ижодкорлигини ривожлантиришга эътиборни янада кўпроқ қаратиш лозимлигини тақозо этади. Бу эътибор ва талабни амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий тайёрлаш, таълим бериш жараёнига акмеологик ёндашувини шакллантириш ҳамда таълимни сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш зарурлигини кўрсатади. Технологик таълим ўқитувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий тайёргарлигини шакллантириш, турли қирраларини ҳисобга олган ҳолда ижодий қобилиятларини очиш ва ривожлантириш зарур.

Акмеология сўзининг луғавий жиҳатдан маъносига тўхталсак, акмеология - юнонча акме – етуклик, чўққи, камолот, юксалиш, логос – таълимот – инсоннинг касб-ҳунарни эгаллашда юқори чўққига интилиши тушунилади.

Ушбу атамага педагогик атамалар луғатида инсонни ўз тараққиёти динамикасида такомили ҳамда турли

босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларни намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганувчи фан тармоғи ҳам қаралади [2].

Таълим акмеологияси, ўз навбатида, таълим тизимининг юқори сифатига эришиш ва таълим жараёни субъектлари: ўқитувчи ва ўқувчини ривожлантириш шартларини ўрганади. Таълимга акмеологик ёндашув замонавий таълим сифати муаммоси билан долзарблик касб этмоқда.

Бу борада хорижий олим В.Н.Максимова ўзининг илмий изланишлари натижаси ўлароқ, таълим акмеологияси юқори сифатли таълим тизимларига эришиш ва таълим жараёни субъектларини ривожлантириш шартлари ва омилларини ўрганади, деб ҳисоблайди [3].

Шу ўринда технологик таълим жараёнида акмеологик ёндашув долзарб масалалардан бири десак муболаға бўлмайди. Чунки, ҳозирги кунда жамият ўқитувчига таълим бераётган ўқувчилари келажакда, ижодий, мустақил фикрлайдиган, муваффақиятга интиладиган ва индивидуал ривожланиш траекториясини мустақил равишда қура оладиган кадрлар тайёрлаши талабини қўймоқда.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг таълим жараёнига акмеологик ёндашуви – ўз мутахассислиги бўйича фундаментал билимларни чуқур эгаллаши, касб-ҳунарнинг жамиятдаги истиқболи, ижтимоий турмуш фаровонлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини чуқур англаши, ўз ижодий фаолиятини ушбу бурч ва масъулиятни адо этишга сарфлаш мақсадида мукаммаллик ва камолотга интилиш жиҳатларини ўрганиши лозимлиги тушунилади.

Технологик таълимда акмеологик ёндашувни қуйидаги босқичларда амалга оширилгани мақсадга мувофиқ:

- ташкилий, бу жараёнда ўқитувчиларни акмеологик ёндашувни амалга оширишга тайёрлаш билан боғлиқ; бунда белгиланган асосий вазифалар - ўқитувчиларнинг акмеологик билимларини янгилаш; акмеологияга йўналтирилган таълим воситалари ва усулларини ўзлаштириш; ўқитувчиларнинг талабаларга нисбатан касбий позициясини ва ўз касбий фаолияти мазмунини ўзгартириш;
- технологик таълимда акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг асосий йўналиши ва асослари; ушбу жараёнда кўзда тутилган асосий мақсад – ўқитишнинг самарали психологик-педагогик шароитларни аниқлаш ва тарбиявий фаолиятда мақсадли қўллаш орқали талабалар шахсининг акмеологик йўналишини шакллантириш;
- диагностикани амалга ошириш, талабанинг акмеологик йўналишини шакллантириш даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш ва шу асосда ўқув жараёнига тузатишлар киритиш.

Технологик таълим ўқитувчиларининг акмеологик ёндашув асосида фаолиятини "акме" даражасига кўтаришга интилиши орқали жамиятнинг ижтимоий буюртмаси таъминланади ҳамда бугунги кундаги мактабларда технологик таълим ўқитувчиларига қўяётган талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга эришилади. Бу жараёнда бўлажак технологик таълим ўқитувчилари ўз устида тинимсиз ишлайди ва ижодий маҳсулдорликка эришилади.

Технологик таълим ўқитувчисининг ўз фаолияти доирасида ижодий маҳсулдорлиги – янги ғоялар, қарорлар, лойиҳалар, касбий фаолият натижасида вужудга келган хулосалар билан белгиланади. Ўқитувчи дунёқарашининг чуқурлиги эвристик фаолияти натижасининг мантиқий асосини ташкил этади. Технологик таълим ўқитувчининг ўз билимларини амалиётда қўллаш соҳасининг кенглиги ҳамда шахсий ижодий фаолиятини ташкил этиш лаёқатини, назарий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ва мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаштириш имконини беради.

Технологик таълим ўқитувиларини ижодий жиҳатдан шакллантиришда, унга таълим ва тарбиявий жиҳатдан таъсир кўрсатиш орқали ижодий фаолият кўникмалари ривожлантириш мумкин. Бу жараёнда эса акмеологик ёндашув асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий жиҳатдан ривожланиши, яратувчилик ва ижодкорлик кўникмаларини шаклланишини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, технологик таълим жараёнига акмеолик ёндашув асосида машғулотларни ташкил этиши ўқитувчиларининг креатив фаолиятини ривожлантиришда ва касбий маҳорат чўққисига эришишида ҳамда етук мутахассис сифатида ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига хизмат қилади.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги (28.01.2022) PF-60-сонли Фармони https://lex.uz/docs/5841063.
2. Жураев Р.Х., Толипов Ў.Қ., Сафарова Р.Ф., Тўрақулов Х.О., Иноятова М.Э., Диванова М.С. Педагогик атамалар луғати. –Т.: Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси "Фан" нашриёти 2008.
3. Максимова В.Н. Акмеология: новое качество образования: книга для педагога.–СПб. Издательство РГПУ им. А.И.Герцена, 2002.



**РЕЗЮМЕ.** Мазкур мақолада технологик таълим ўқитувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий тайёргарлигини шакллантириш, турли қирраларини ҳисобга олган ҳолда ижодий қобилиятларини очиш ва ривожлантириш масалалари ёритилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассмотрены вопросы формирования профессиональной подготовки педагогов технологического образования на основе акмеологического подхода, раскрытия и развития их творческих способностей с учётом различных аспектов.

**SUMMARY.** This article discusses the issues of formation of professional training of teachers of technological education based on the acmeological approach, disclosure and development of their creative abilities, taking into account various aspects.


# ZAMANAGÓY SPORT MEDICINASÍNÍŃ JOQARÍ TÁJIRIYBELI SPORTSHÍLARDÍ TAYARLAWDA MEDICINALÍQ HÁM BIOLOGIYALÍQ ÁHMIYETI


**A.K.Utepbergenov** – *biologiya ilimleriniń kandidatı, docent*
**P.J.Mamutov** – *assistent oqıtıwshı*
*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*



**Tayanch so'zlar:** sport, sport tibbiyoti, sport tibbiyotining tarkibiy qismlari sport shifokori, sport shifokorlarini tayyorlash.

**Ключевые слова:** спорт, спортивная медицина, составные части спортивной медицины, спортивный врач, подготовка спортивных врачей.

**Key words:** sports, sport medicine, component parts of sport medicine, sport doctor, training of sport doctors.


Respublikamızda sońǵı jıllarda dene tárbiyası hám sporttıń ǵalabalıǵına erisiw, jergilikli xalıq arasında salamat turmıs tárizin qáliplestiriw, imkaniyatları sheklengen shaxslardıń dene tárbiyası reabilitaciyası ushın zárúr shárt-sharayatlar jaratıw hám mámlekettiń xalıqaralıq sport arenalarında múnásip qatnasıwların támiyinlew boyınsha strategiyalıq is-ilajlar ámelge asırılmaqta.

Sonıń menen bir qatarda, dene tárbiyası hám sport tarawında xalıqtıń salamatlıǵın bekkemlewge qaratılǵan anıq dástúrlerdi ámeliyatqa engiziw, jaslardı sportqa keńnen qamtıp alıw hám olar arasınan talantlı sportshılardı tańlap alıw, sport túrleri boyınsha joqarı nátiyjelerdi támiyinlewshi